

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИННИҚУЛОВ ИСЛОМ УРОЛ ЎҒЛИ**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ШАРТ МУНОСАБАТЛАРИНИ**  
**ИФОДАЛОВЧИ ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИНГ ПРАГМАТИК АСПЕКТИ**  
**(шарт гаплар мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Минниқулов Ислом Урол ўғли**

Инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабатларини  
ифодаловчи тил бирликларининг прагматик аспекти  
(шарт гаплар мисолида)..... 3

**Минниқулов Ислом Урол угли**

Прагматический аспект языковых единиц, выражающих  
условные отношения в английском и узбекском языках  
(на примере условных предложений)..... 23

**Minnikulov Islom Urol ugli**

Pragmatic Aspect of the Language Units Expressing  
Conditional Relationships in English and Uzbek  
(in the Example of Conditional Sentences)..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИННИҚУЛОВ ИСЛОМ УРОЛ ЎҒЛИ**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ШАРТ МУНОСАБАТЛАРИНИ**  
**ИФОДАЛОВЧИ ТИЛ БИРЛИКЛАРИНИНГ ПРАГМАТИК АСПЕКТИ**  
**(шарт гаплар мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fil869 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг ([www.uzswlu.uz](http://www.uzswlu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сапарова Қундуз Отабоевна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Тўхтасинов Илхом Мадаминович**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Мухамедова Саодат Худойбердиевна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «2» декабр соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92; (99871) 230-12-91; факс: (99871) 230-12-91; email:uzswlu\_info@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2020 йил «20» ноябр кунини тарқатилди.

(2020 йил «20» ноябр да 14 рақамли реестр баённомаси).

**Г.Х. Бокиева**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Х.Б. Самигова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент

**Ж.А. Якубов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги глобаллашув жараёнида давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий муносабатларнинг ривожланиши натижасида юзага келган интеграция соҳа мутахассисларининг хорижий тилда муваффақиятли мулоқот қила олишига бўлган эҳтиёжни тобора кучайтирмоқда. Жаҳон тилшунослигида олиб борилаётган лингвистик тадқиқотлар антропоцентрик парадигма доирасида амалга оширилган экан, тилнинг куч-қудрати, имкониятларини янада ёритиб беришда уни фанлар кесишувида – когнитив, лингвокультурологик, социолингвистик, лингвопрагматик аспектда тадқиқ этиш зарурати юзага келди. Бунда лисоний бирликларнинг прагматик аспектини нутқий фаолият жараёнида тадқиқ қилиш илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илмий ҳамжамиятида тил ва нутқ бирликларининг лингвопрагматик таҳлили перформатив нутқ акти, конверсацион имплицатура, пресуппозиция, хушмуомалалик тамойиллари, мулоқотнинг ҳамкорлик тамойиллари, релевантлик, дейксис ва бошқа прагматик назариялар доирасида амалга оширилмоқда. Жумладан, инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабатларини ифодаловчи тил бирликларининг прагматик аспектини очиб беришда уларни коммуникация жараёнида тадқиқ қилиш зарурати, ўз нутқида шарт гаплардан фойдаланаётган тил соҳибларининг тингловчини маълум нутқ акти функциясини бажаришга ундаши, кутилган перлокутив натижага эришиши ва суҳбатдошининг маълум мулоқот шароитидаги интенциясини мос равишда интерпретация қилиш масалаларини ечиш эҳтиёжи муаммонинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбек тилшунослигида шарт муносабатларини ифодаловчи тил бирликлари структурал-семантик аспектда ўрганилган бўлса-да, уларнинг прагматик аспектини очиб беришга қаратилган ишлар мавжуд эмас. Шунингдек, мазкур муаммони турли тизимли тиллар, хусусан, инглиз ва ўзбек тиллари мисолида таҳлилга тортиш тил соҳибларининг маълум мулоқот шароитидаги коммуникатив ниятини идрок этиш имконини беради. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг устувор тамойилларига асосланган ҳолда «...илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»<sup>1</sup> каби вазифалар ижросини таъминлашда талабаларга хорижий тил соҳибларининг прагматик интенциясини тўғри талқин этишни ўргатиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. / Халқ сўзи, 2017 йил, 8 феврал. – № 28.

тўғрисида»ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор ва фармонлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Прагмалингвистика соҳасининг юзага келиши ва ривожланишида J. Austin, J.R. Searle, G.P. Grice, T.von. Dijk, G. Leech, L.M. Jacob, В.З. Демьянков, Г.В. Колшанский, Ю.Н. Караулов каби хориж олимлари ва А. Нурмонов, Э.С. Азнаурова, Ш.Сафаров, Д.У. Ашурова, М. Ҳакимов<sup>2</sup> каби ўзбек олимларининг илмий изланишлари муҳим ўрин эгаллайди.

Шарт муносабати муаммосининг қиёсий-типологик, структурал-семантик, функционал-коммуникатив, когнитив-концептуал, прагматик аспектлари қатор олимларнинг ишларида атрофлича ўрганилган. Жумладан, муаммонинг қиёсий-типологик жиҳатлари М.А. Abbas, А. Yasir ва Н. Hilde ишларида ўрганилган бўлиб, структурал-семантик хусусиятлари К. Kazuhiro, А. Maria, J. Handili, L. Naegman, К. Namiko, Ching-Hui Su, R. Alex, А.А. Акопян, О.В. Евстафиади, У.К. Юсупов, Ж.А. Якубов каби хориж ва ўзбек олимларининг ишларида ўз ифодасини топган. Н.Р. Sadam, Т. Virpi каби олимлар ўз ишларида шарт гапларнинг функционал жиҳатларини очиб берган. D. Barbara, Lily I-wen Su каби тилшунослар эса муаммони когнитив аспектда ўрганган. Бунда D. Barbara шарт конструкцияларида вақт, билим, сабаб учлигининг ўзаро муносабатларини таҳлил қилади, Lily I-wen Su

---

<sup>2</sup> Остин Дж. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. – М.: Прогресс, 1986. – С. 22-129; Серль Дж. Р. Классификация иллокутивных актов // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. – М., 1986. Вып. XVII. – С. 170-194; Грайс Г.П. Логика и речевое общение // Новое в зарубежной лингвистике: Лингвистическая прагматика. – М., 1985. Вып. XVI. – С. 217-237; Дейк ван. Т. Вопросы прагматика текста // Новое в зарубежной лингвистике: Лингвистика текста. – М., 1978. Вып. VIII. – С. 259-337; Geoffrey Leech. The Pragmatics of Politeness. New York: Oxford University Press, 2014. – 343 p.; Jacob L.M. Pragmalinguistics: Theory and Practice. The Hague: Mouton Publishers, 1979. – 444 p.; Демьянков В.З. Прагматические основы интерпретации высказывания // Изв. АН СССР. Сов. лит. и язык. 1981. № 4. – С.37-374; Колшанский Г.В. Контекстная семантика. – М.: Наука, 1980. – 149 с.; Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 1987. – 264 с.; Нурмонов А. Кўмакчи конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. № 6. – Б. 42-45; Азнаурова Э.С. Прагматика художественного слова. – Ташкент: Фан, 1988. – 126 с.; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 300 б.; Ашурова Д.У. Производное слово в свете коммуникативной теории языка. – Ташкент: Фан, 1991. – 100 с.; Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 176 б.

шартли тафаккур қилишни идрокнинг инъикоси сифатида ўрганеди<sup>3</sup>. Муаммонинг прагматик аспектини ўрганишга оид ишлар S. Moss, R. Stalnaker, A.Y. Richard, Н.Ю. Киселёва каби тилшунос олимлар томонидан амалга оширилган. Хусусан, S. Mossнинг ишида контрфактуал шарт гапларнинг прагматикаси ёритилган ва R. Stalnaker ва A.Y. Richardларнинг ишларида шарт конструкцияларнинг нутқ акти функциясини бажариш имконияти ўрганилган. Н.Ю. Киселёва эса замонавий инглиз тилида шарт конструкцияларининг прагматик функцияларини тадқиқ қилган<sup>4</sup>.

Ўзбек тили синтактик бирликларини илмий асосда атрофлича ўрганиш XX асрнинг 40-йилларидан бошланган. А. Ғуломов, Ғ. Абдурахмонов, М. Асқарова, Н. Маҳмудов, А. Нурмоновлар ўзбек тили синтаксисининг илмий асосларини яратиб бердилар. Шарт муаммоси ўзбек тилшунослигида монографик йўсинда У.Қ. Юсуповнинг ишида кўтарилган бўлиб, унда инглиз ва ўзбек тилларида шарт эргаш гапли қўшма гапларнинг қиёсий тадқиқи амалга оширилган<sup>5</sup>.

Ушбу тадқиқотда турли тизимли тилларда, хусусан, инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабатини ифодаловчи тил бирликларининг прагматик аспектини чоғиштириб ўрганиш қиёсий тилшунослик ривожига катта ҳисса қўшган Ж.Буранов, У.К. Юсупов, М.Э. Умархўжаев, М.Д. Джусупов, М.И. Расулова, К.О. Сапарова<sup>6</sup> каби олимлар томонидан тилларни қиёсий-чоғиштириб ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган умумий қонуниятлар ва тамойиллар доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишларининг «Таржима муаммолари» илмий мавзусининг таркибий қисми бўлиб, таржима назарияси ва амалиёти факультетининг илмий режаларига киритилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабатларини ифодаловчи тил бирликлари прагматик аспектининг

<sup>3</sup> Barbara Dancygier. Conditionals and Prediction: Time, Knowledge, and Causation in Conditional Constructions. Cambridge: Cambridge University Press, 2001; Lily I-wen Su. Conditional Reasoning as a Reflection of Mind // Language and Linguistics, Vol 6, Issue-4, 2005. – P. 655-680.

<sup>4</sup> Moss S. On the Pragmatics of Counterfactuals // Wiley Periodicals, Inc., Vol. 46, Issue 3, 2012. – P. 561-586; Stalnaker R. Conditional propositions and conditional assertions. Oxford: Oxford University Press, 2009. – 19 p.; Richard A.Y. A classification of conditional sentences based on Speech Act Theory // Grace Theological Journal, Vol. 10, Issue 1, 1989. – P. 29-49; Киселёва Н.Ю. Семантический и прагматический анализ функционирования условных конструкций в современном английском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2005. – 195 с.

<sup>5</sup> Юсупов У.К. Сравнительный анализ английских и узбекских сложноподчиненных предложений с придаточными условными. – Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1971. – 30 с.

<sup>6</sup> Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – М., 1983. – 268 с.; Юсупов У.К. Проблемы сопоставительной лингвистики. – Ташкент: Фан, 1980. – 135 с.; Умархўжаев М.Э. Чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик муаммолари. – Андижон, АДПУ, 2014. – 129 б.; Джусупов М.Д. Звуковые системы русского и казахского языков. Слог. Интерференция. Обучение произношению. – Ташкент: Фан, 1991. – 240 с.; Rasulova M.I., Shukurova Z.I. Comparative typology of English, Uzbek and Russian languages. – Tashkent: Tafakkur, 2017. – 260 p.; Сапарова К.О. Сопоставительно-типологическое исследование фоностилистики русского и узбекского языков (на материале фоновариантов слов): Дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 2010. – 343 б.

перформатив нутқ актлари ва импликатура ҳосил қилиш потенциали нуктаи назаридан ўхшаш ва фарқли томонларини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жаҳон тилшунослигидаги шарт муносабатларига доир мавжуд назарияларни таҳлил қилиш;

шарт муносабатлари ифодаланишини таснифлаш;

шарт муносабатлари ифодаланишини ўрганишда прагматик ёндашув тамойилларини ўрганиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги шарт гапларнинг нутқ актини юзага келтириш имкониятини таҳлил қилиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги шарт гапларнинг импликатура ҳосил қилиш потенциалини ёритиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги шарт гапларнинг прагматик аспектида ўхшаш ва ўзига хос томонларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабатларини ифодаловчи тил бирликлари танланган.

**Тадқиқот предмети** сифатида инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабатларини ифодаловчи тил бирликларининг прагматик аспекти белгиланган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда лингвистик тавсифлаш усули, компонент таҳлил, қиёсий-чоғиштирма усул, прагматик таҳлил, прагматик интенция, контекстуал таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларида шарт конструкциялари нутқ акти сифатида локуция, иллокуция ва перлокуция сингари уч босқичли фаолиятдан таркиб топиши ва маълум коммуникатив контекстда муайян перформатив нутқ актини воқелантириш имконияти лингвистик ва экстралингвистик омиллар ёрдамида исботланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги шарт конструкциялари юзага келтирувчи директив, экспрессив, комиссив, ассертив ва декларатив нутқ актлари таснифланган ва уларнинг синтактик бирлик ёрдамида воқеланиши сингари изоморфик ҳамда ифодаланишидаги имплицитлик ва эксплицитлик, синтактик структура жиҳатидан турлича (содда, қўшма ва мураккаб гаплар билан) реаллашуви каби алломорфик хусусиятлари асосланган;

қиёсланаётган тилларда шарт муносабатини ифодаловчи тил бирликларининг мулоқотнинг миқдор, сифат, мавзуга оидлик ва мулоқот услуги каби тамойилларининг мақсадли бузилиши натижасида конверсацион импликатура ҳосил қилиш потенциали далилланган;

қиёсланаётган тилларда шарт формаларидан фойдаланиш орқали мулоқот тамойилларининг мақсадли бузилиши оқибатида юзага келган импликатура аниқланган ва нутқ иштирокчиларининг импликатура ҳосил қилишдаги турли прагматик интенциялари каби ўзига хосликлар ва мазкур импликатуранинг нутқий акт функциялари сингари ўхшашликлар бадий матнлар мисолида асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

шарт муносабатларини ифодаловчи тил бирликларининг маълум коммуникатив контекстда перформатив нутқ актлари, мулоқот тамойилларининг мақсадли бузилиши натижасида импликатура ҳосил қилиш имконияти инглиз ва ўзбек тиллари мисолида очиб берилган;

ушбу турли тизимли тиллардаги шарт муносабатларини ифодаловчи тил бирликларининг таҳлили орқали шарт гапларнинг прагматик аспектидаги умумий ва хусусий жиҳатларининг уйғунлашуви асосланган;

инглиз ва ўзбек тили соҳибларининг прагматикаси, яъни нутқ фаолияти жараёнидаги интенцияси ва уларнинг шарт муносабатини ифодаловчи тил бирликлари орқали ифодаланишининг ўхшаш ва фарқли томонлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, қўлланилган ёндашув ва методлар ҳамда уларнинг назарий асослари инглиз ва ўзбек тилларидаги бадиий адабиётлардан олинган мисоллар таҳлилининг ўзаро мувофиқлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти турли тизимга кирувчи инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабатларини ифодаловчи тил бирликларининг прагматик таҳлили натижалари қиёсий тилшунослик, лексикология, прагмалингвистика, дискурс таҳлили соҳасидаги тадқиқотларни бойитиши билан белгиланади. Диссертацияда келтирилган назарий хулосалар турли тизимли тилларда шарт муносабатларининг ифодаси ва прагматик аспектини ёритишда манба бўлиб хизмат қилади.

Диссертация ишининг амалий аҳамияти тадқиқот материаллари ва хулосаларидан қиёсий тилшунослик, прагмалингвистика, лексикология, стилистика, матн таҳлили бўйича маъруза курслари, семинар машғулотларини ишлаб чиқиш ҳамда олиб боришда, диссертация ишлари, монография, дарслик, ўқув қўлланмалар ёзиш, луғатлар тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабатларини ифодаловчи тил бирликларининг прагматик аспектини очиб беришда олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

инглиз ва ўзбек тилларида шарт конструкциялари иллокутив кучга ҳам эга бўлиб, маълум коммуникатив контекстда муайян перформатив нутқ актини воқелантириш имконияти, уларнинг ўхшаш ва фарқли хусусиятлари, шарт гапларнинг конверсацион импликатура ҳосил қилиш имконияти, мулоқот тамойилларини бузишидан мақсад, ҳосил бўлган импликатура ва унинг прагматик функциясидаги изоморфик ва алломорфик хусусиятлари бўйича хулосалар ва илмий янгиликлардан № ОТ-Ф8-062 «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» мавзуидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 ноябрдаги 89-03-4446-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳа бўйича тайёрланган дарслик ва электрон ресурслар мазмунини бойитиш имконини берган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги шарт конструкциялари юзага келтирувчи директив, экспрессив, комиссив, ассертив ва декларатив нутқ актлари ва уларнинг синтактик бирлик ёрдамида воқеланиши сингари изоморфик ҳамда ифодаланишидаги имплицитлик ва эксплицитлик, синтактик структура жиҳатидан турлича (сода, қўшма ва мураккаб гаплар билан) реаллашуви каби алломорфик хусусиятларига доир амалий таклиф, хулоса ва материаллардан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига бажарилган № ИТД-1, А-1-209 «Маданиятлараро ва коммуникатив ёндашув нигоҳида магистратура мутахассислиги (инглиз тили) бўйича назарий фанлардан инглиз тилида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш ва ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар луғатини тузиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида ўқув қўлланма яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 15 ноябрдаги 89-03-4446-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу амалий лойиҳа доирасида яратилган ўқув қўлланма мазмуни бойитилган;

қиёсланаётган тилларда шарт формаларидан фойдаланиш орқали мулоқот тамойилларининг мақсадли бузилиши натижасида юзага келган имплицатура ва нутқ иштирокчиларининг имплицатура ҳосил қилишдаги турли прагматик интенциялари каби ўзига хосликлар ва мазкур имплицатуранинг нутқий акт функциялари сингари ўхшашликларга доир таклиф ва хулосалардан магистратура талабалари учун прагматингвистика фанидан дарслик ва қиёсланаётган тилларда шарт гапларнинг директив, экспрессив, ассертив, комиссив ва декларатив каби перформатив нутқ актлари ҳосил қилиш имкониятига доир хулосалардан бакалавр талабалари учун ўқув қўлланма мазмунини бойитишда фойдаланилган (Қозоғистон Республикаси, Остона Евроосиё миллий университетининг 2020 йил 5 февралдаги маълумотномаси). Натижада, мазкур дарслик ва ўқув қўлланма мазмунининг бойишига хизмат қилган;

қиёсланаётган тилларда шарт формаларидан фойдаланиш орқали коммуникантларнинг мулоқот тамойилларини бузишдан мақсади, ҳосил бўлган имплицатура ва унинг прагматик функциясидаги ўхшаш ва ўзига хосликларга доир фикр-мулоҳазалар ва таклифлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston» телерадиоканалининг «Бедорлик», «Таълим ва тараққиёт» номли махсус эшиттиришларнинг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O'zbekiston» телерадиоканалининг 2019 йил 25 сентябрдаги 04-25-1914-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур эшиттиришларнинг мазмуни шарт гапларнинг прагматик аспектига оид тавсиялар билан бойитилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан 8 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 1 таси хорижий илмий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янглиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Шарт муносабатлари тилшуносликнинг ўрганиш объекти сифатида**» деб номланувчи биринчи бобида шарт муносабатларининг тилшуносликда ўрганилиш тарихи очиб берилган, шарт муаммоси лингвистик тадқиқотлар объекти сифатида белгиланган, шарт муносабатларининг ифодаланиш таснифи амалга оширилган ва уларнинг прагматик аспектига доир назарий қарашлар таҳлил қилинган.

*Шарт* (condition) тушунчаси қиёсланаётган тиллардаги луғавий изоҳига мувофиқ: а) *бирор нарсанинг амалга ошиши учун зарур бўлган омил, ҳолаҳвол, шароит*; б) *бош гапдан англашилган воқеа-ҳодиса, белги-хусусиятнинг қай шарт-шароитда рўй беришини англаувчи эргаш гап* сифатида шарҳланар экан, тилшуносликда нафақат лексик бирлик, балки синтактик бирлик ёки конструкция сифатида ҳам ўрганилади.

Шарт муносабатини ифодаловчи конструкция шакл ва маъно планига эга бўлган лингвистик структура бўлиб, унинг маъно томони семантик ва прагматик аспектларда ўз ифодасини топса, шакл томони лексик, морфологик ва синтактик аспектларда намоён бўлади.

Шарт муносабатлари семантик, структурал, нутқ акти ва прагматик нуқтаи назардан таснифланиши мумкин.

Семантик нуқтаи назардан, шарт муносабатлари турли тилларда ҳар хил ёндашувлар (индикатив ва субьонктив; фактуал ва нофактуал; фактуал, очик ва гипотезавий; очик ва гипотезавий; реал ва нореал; фактуал, предиктив ва субьонктив; фактуал, гипотезавий ва контрфактуал (инглиз тилида); фактуал ва контрфактуал (уганда тилида); оддий ва ўзгартирилган (тонга тилида); фактуал, гипотезавий ва контрфактуал (мандарин тилида)) турлари асосида таснифланса-да, бундай таснифланиш асосида бош ва эргаш гап (асосан, эргаш гап)даги иш-ҳаракатнинг юзага чиқиш эҳтимоллик даражалари (бор (юқори, паст) ёки йўқ) мезони ётади.

Шарт муносабатларини реал ва нореал шарт гапларга бўлиш кенг таснифлаш ҳисобланади. Шу боис, ушбу диссертацион ишда нореал шарт

гапларни ички бўлинмалар (гипотезавий ва контрфактуал)га ажратиш тавсия этилади. Зеро, гипотезавий ва контрфактуал шарт гаплар семантик жиҳатдан маъно нозиклигига эга бўлиб, турлича талқин қилиниши мумкин.

Шарт муносабатларининг структурал жиҳатдан таснифланиши морфологик (феъл шакллари, боғловчи ва равиш воситалари), синтактик (про-формалар, содда ва қўшма гаплар) ва лексик (мақоллар, лексик ва модал воситалар) бирликлар орқали аналитик ва синтетик шаклларда ифодаланиш мезонига асосланади.

Шарт гаплар нутқ акти назариясига кўра, қуйидагича таснифланади: тингловчини ишонтириш, кучли ишонч билдириш, манипуляция, насихат, танбеҳ, савол, ўзини оқлаш ёки ҳимоя қилиш, масхара қилиш, нола қилиш, таклиф, буйруқ, узр, маслаҳат, кўрсатма бериш. Бундай таснифлашнинг мезони шарт формаларининг маълум мулоқот муҳитида муайян перформатив нутқ акти вазифасини бажариш имконияти билан изоҳланади.

Прагматик таснифга кўра, шарт гаплар аниқловчи (identifying), хулосаловчи (inferencing), ижро этувчи (performative) ва метакоммуникатив (metacomunicative) каби турларга бўлинади. Шарт муносабатларини прагматик таснифлашнинг асоси сўзловчи коммуникатив мақсадини мос равишда интерпретация қилиш муаммоси билан белгиланади.

Жаҳон тилшунослигида шарт муносабатларини ўрганишга бўлган прагматик ёндашув тажрибасига таянган ҳолда инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабатларини ифодаловчи тил бирликларининг прагматик аспекти қиёсий таҳлил қилишда қуйидаги масалалар эътиборга олинади: шарт конструкциялари прагматик аспектининг мулоқот жараёнидаги тадқиқи, уларни сўзловчининг коммуникатив-прагматик мақсадига боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш, шарт формаларининг прагматик хусусиятларини белгиловчи контекстуал омилларни аниқлаш, уларнинг прагматик функцияларини ўрганиш ва мулоқот иштирокчиларига прагматик таъсири каби масалалар.

Диссертациянинг «**Инглиз ва ўзбек тилларида шарт гаплар нутқ акти сифатида**» деб номланувчи иккинчи бобида шарт муносабатларининг ўрганилаётган тилларда маълум нутқий фаолият жараёнида перформатив нутқ акти функциясини бажариш имконияти таҳлилга тортилган.

Нутқ акти назарияси прагматик таҳлилнинг асосий масалаларидан ҳисобланиб, унинг асосий мазмуни ўзбек тилшунос олими Ш. Сафаров томонидан қуйидагича изоҳланади: нутқ акти назарияси локуция, иллокуция ва перлокуция сингари уч босқичли фаолият сифатида қаралади<sup>7</sup>.

Локуция – нутқий актнинг биринчи босқичи, мулоқот жараёнидаги мазмундор лисоний тузилманинг яратилиши, талаффуз қилиниш орқали нутқий фаолият бажарилиш актидир. Иллокуция – марказий акт, мулоқот жараёнида коммуникатив мақсад воқеланадиган фаолиятдир. Перлокуция – нутқий актнинг таъсир этувчи (сўзловчининг нутқи тингловчига таъсир этиш) босқичи, натижавий мақсад амалга ошадиган фаолиятдир.

---

<sup>7</sup> Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 300 б.

J. Searle нутқ актларининг таснифи (ассертивлар (репрезентативлар), директивлар, комиссивлар, декларативлар ва экспрессивлар)ни анча тизимли амалга оширган<sup>8</sup>лиги боис, ушбу тасниф асосида қиёсланаётган тилларда шарт конструкцияларининг нутқ акти вазифасини бажариш имконияти таҳлил қилинади.

Директив нутқ актлари тингловчини фаолиятга ундовчи нутқий ҳаракатлардир. Нутқ актлари таснифига бўлган турли ёндашувларга кўра, директив нутқ актларига илтимос, савол, руҳлантириш, талаб, буйруқ, тақиқ, руҳсат (бериш, сўраш), таклиф, огоҳлантириш, маслаҳат, тавсия, ундаш (даъват этиш), ҳадди сиғиш, насиҳат, бўйнига қўйиш, йўл-йўриқ кўрсатиш, сўроқ-тергов, рад этиш ва бошқа нутқий ҳаракатлар киради.

Инглиз ва ўзбек тилларида шарт конструкцияларининг маълум мулоқот шароитида қуйидаги директив нутқ актлари вазифасини бажариши аниқланди: *огоҳлантириш, илтимос, маслаҳат, кўрсатма, савол, руҳсат сўраш ва бериш, манипуляция, буйруқ, талаб ва рад этиш*. Масалан:

- **огоҳлантириш:** *ингл.: Гермиона: “She’ll ban you from the library if you’re not careful. Why did you have to bring that stupid book?” (J.K. Rowling, Harry Potter and The Half Blood-Prince, p. 308); ўзб.: Тақводор йўловчи: Ҳой, бола, туш бу ёққа! Қандай беҳаё боласан! Кап-катта тўнғиздай бўлиб қолибсану, шарму ҳаё қилмасдан, номахрам бор ҳовлига қарайсан-а! Сўфи кўргундай бўлса, «гўшт кетти!» қилади. Ҳа!!! (Чўлпон, Кеча ва кундуз, б. 88);*

- **илтимос:** *ингл.: Сехргар: “Ladies and gentlemen!”, “If you would please stand up!” (J.K. Rowling, Harry Potter and The Deathly Hallows, p. 145); ўзб.: Султонхон: Яхши чиқибсиз, Умриниса хола, ўзим ҳам чақиртирмоқчи эдим. Эртага Энахонларникидаги шаҳарлик меҳмонлар чиқишади. **Ош-сувиға қарашиб бермасангиз бўлмайди.** Бугун бир-икки тандир патир ёпиб олсак, дейман (Чўлпон, Кеча ва кундуз, б. 45);*

- **маслаҳат:** *ингл.: Билл: “If you have struck any kind of bargain with Griphook, and most particularly if that bargain involves treasure, you must be exceptionally careful” (J.K. Rowling, Harry Potter and The Deathly Hallows, p. 516); ўзб.: Пакана Тўхташ: Улар қўл кўтаргандан кейин қўл кўтарсак, кеч қоламиз, оғайнилар. **Орқаларидан қувиб бориб, бирданига солдирмасак бўлмайди!** (Чўлпон, Кеча ва кундуз, б. 45); ва ш.к.*

Таҳлил натижаларига кўра, инглиз тилидан фарқли ўлароқ, ўзбек тилида шарт конструкцияларнинг юқорида келтирилган нутқ актларидан ташқари яна қуйидаги директив акт вазифаларини бажариши аниқланди: *сўроқ-тергов қилиш, бўйнига қўйиш ва насиҳат қилиш*.

Қиёсланаётган тилларда шарт формаларининг директив нутқ акти (хусусан, огоҳлантириш, маслаҳат, инструкция, манипуляция, рад этиш актлари) сифатидаги прагматик мазмунини ифодалаш шакли ва тарзи, асосан, уларнинг синтактик бирлик сифатида имплицит тарзда ифодаланиши ўхшаш хусусият сифатида белгиланди.

<sup>8</sup> John R. Searle. A Classification of Illocutionary acts//Language in Society, Vol. 5, No. 1, 1976. – P. 10-13.

Таҳлил натижаларига кўра, *илтимос* мазмунидаги директив нутқ актини ифодалашда фақат эргаш гап орқали ва эксплицит ифодаланиш инглиз тилига хос хусусият бўлса, бош+эргаш гап шаклида ва имплицит ифодаланиш ўзбек тилига хос хусусиятдир. *Рухсат сўраш, рухсат бериш* ва *буйруқ* мазмунидаги директив нутқ актларини ифодалашда имплицит ифодаланиш инглиз тили учун хусусий жиҳат саналади, эксплицит (рухсат сўраш ва буйруқ беришда), эксплицит ва имплицит ифодаланиш (рухсат беришда) ўзбек тилига хос хусусият ҳисобланади. *Талаб* мазмунидаги директив нутқ актини ифодалашда фақат эргаш гап орқали ифодаланиш инглиз тилига хосликни билдирса, бош+эргаш гап шаклида ифодаланиш ўзбек тилига хос хусусият сифатида эътироф этилиши мумкин.

Ўрганилаётган тилларда шарт формалари маълум мулоқот муҳитида *нола (ҳасрат), койиш (танбех), афсусланиш, узр (кечирим), жаҳл, миннатдорчилик, мақташ, киноя* ва *орзу қилиш* каби экспрессив актларни бажариши аниқланди. Масалан:

- **нола (ҳасрат):** *ингл.: Гарри (ўзини-ўзи айблайдди): if he had given himself up in the first place, Fred might never have died (J.K. Rowling, Harry Potter and The Deathly Hallows, p. 661-662); ўзб.: Мингбоши: Менга битта хотин бас эди... зурриётлик бўлса... Шунча давлатни кимга ишониб қолдираман? Учта безурриётгами?.. (Чўлпон, Кеча ва кундуз, б. 96-97);*

- **койиш (танбех):** *ингл.: Жаноб Крауч: If you accuse my elf, you accuse me, Diggory! (J.K. Rowling, Harry Potter and The Goblet of Fire, p. 137); ўзб.: Мингбоши: «Юк босди», деган бўлсам «қандай юк?» деб сўрагин-да, баччагар! Учаланг кам юкмисан менга? (Чўлпон, Кеча ва кундуз, б. 96);*

- **афсусланиш:** *ингл.: Эббот: If I had anywhere else to go, I should be glad to leave it; but I can never get away from Gateshead till I am a woman (Ch.Bronte, Jane Eyre, 39); ўзб.: Зеби: Тек ўтирган бўлсак кўнгли юмишармидикан? (Чўлпон, Кеча ва кундуз, б. 19);* ва ш.к.

Ўзбек тилидан фарқли ўлароқ, инглиз тилида шарт гаплар юқорида келтирилган экспрессив нутқ актларидан ташқари, *комплимент* экспрессив нутқ акти вазифасини бажариши аниқланган бўлса, *масалли (овутиш), масхара қилиш, раҳм-шавқат, қарғиш, шикоят (арз), ялиниш (ёлвориш), қаршилик кўрсатиш, хурсанд бўлиш* ва *дуо қилиш* каби экспрессив актлар фақат ўзбек тили материалларида учраганлиги маълум бўлди.

Ифода тарзи ва шаклига кўра, таҳлилга тортилган мисолларда аксарият экспрессив нутқ актлари (*нола (ҳасрат), афсусланиш, узр (кечирим), миннатдорчилик, мақташ, киноя (истеҳзо), орзу қилиш (комплимент* фақат инглиз тилига хос), (*масалли (овутиш), масхара, раҳм-шавқат, қарғиш, шикоят (арз), ялиниш (ёлвориш), қаршилик кўрсатиш, хурсанд бўлиш, дуо қилиш* фақат ўзбек тилига хос)) қиёсланаётган тилларда имплицит ҳолда синтактик бирлик сифатида ўз ифодасини топиши ўхшаш хусусият сифатида ўрганилди.

Бироқ инглиз тили мисолида “*койиш, танбех бериш*”, “*жаҳл қилиш*” экспрессив нутқ актлари маълум мулоқот контекстида имплицит тарзда ўз ифодасини топиши, ўзбек тили мисолида мазкур экспрессив актлар

эксплицит ҳолда акс этиши ўзига хосдир. Яъни “койиш, танбеҳ бериш” экспрессив актида “баччагар” эксплицит воситаси, “жаҳл қилиш” нутқ актида эса “очофат, иймонсиз” каби ташқи воситалар ушбу экспрессив нутқ актларининг иллокутив кучини ифодалашда ўз хиссасини кўшмоқда.

Ўрганилаётган тилларда шарт конструкциялари маълум мулоқот муҳитида *таклиф, ишонтириш, ваъда, қўрқитиш (дўқ, нўписа)* каби комиссив, *тахмин, кучли ишонч билдириш* каби ассертив ва *ўзини оқлаш (ҳимоя қилиш)* каби декларатив актларни бажариши аниқланди.

**Комиссивлар.** Инглиз ва ўзбек тилларида шарт гаплар *таклиф* нутқ актини воқелантириши мумкин: *ингл.: Скримжер: “I have some questions for the three of you, and I think it will be best if we do it individually. If you two” – he pointed at Harry and Hermione – “can wait upstairs, I will start with Ronald” (J.K. Rowling, Harry Potter and The Deathly Hallows, p. 122); ўзб.: Пошшахон: Қарс икки қўлдан чиқар экан! Иккаламиз бир бўлсак, Султонни тузлаймиз (Чўлпон, Кеча ва кундуз, б. 54).*

Бундан ташқари, шарт гаплар *ишонтириш* актини ҳосил қилади: *ингл.: Гарри: “Don’t you think they might wonder what’s happened if they wake up and find themselves in a place that looks like it’s just been bombed?” (J.K. Rowling, Harry Potter and The Deathly Hallows, p. 167); ўзб.: Мирёқуб: Бугун тонадиган бўлмаса, ўша вақтда ўзи ўз буйруғи билан ёнтирмасмиди? (Чўлпон, Кеча ва кундуз, б. 100).*

Шарт конструкциялар *ваъда* комиссив актини ҳам юзага келтириши мумкин: *ингл.: Дамблдор: if you will sit down calmly, I shall tell you about Hogwarts. Of course, if you would rather not come to the school, nobody will force you (J.K. Rowling, Harry Potter and The Deathly Hallows, p. 270); ўзб.: Акалари: Бўпти, борасан. Айтган ишларимизни ҳаммасини қилсанг, оборамиз (Ў.Ҳошимов, Дунёнинг ишлари, б. 26).*

Ўрганилаётган тилларда шарт формалар реаллаштирувчи комиссив актнинг яна бир тури *қўрқитиш (дўқ, нўписа)*дир: *ингл.: Визлий хоним: If I see you do that again I’ll jinx your fingers together (J.K. Rowling, Harry Potter and The Deathly Hallows, p. 121); ўзб.: Суд раиси: Ҳарбий суд масхарами бу кишига? Айтингиз, яхшилик билан очсинлар. Бўлмаса куч билан очтирамиз! (Чўлпон, Кеча ва кундуз, б. 305).*

**Ассертивлар.** Чоғиштирилаётган тилларда шарт формалар *тахмин* ассертив актини воқелантиради: *ингл.: Мери: You probably will if you do what you are told to do! You have to control your temper though. And you have to get some fresh air (Frances Hodgson-Burnett, The Secret Garden, p. 46); ўзб.: Қурвонбиби: Яхши бўлибди. Бирор жойда тўй-мўй бордир. Отанг келмаса ҳам эҳтимол, болам, қишлоқ-пишлоққа чиқишадиганлар. Бўлмаса, мунча жадаллатиб чақир-тирмасиди (Чўлпон, Кеча ва кундуз, б. 116).*

Шунингдек, шарт гаплар *кучли ишонч билдириш* ассертив актини ҳосил қилиши кузатилди: *ингл.: Гермiona: And if the Ministry hasn’t found any hidden codes in this book in thirty-one days, I doubt that I will (J.K. Rowling, Harry Potter and The Deathly Hallows, p. 126); ўзб.: Келинбиби: Сиз хотиржам бўлинг. Мен ўзим гизиллаб чиқиб келаман. Бу кеча битта-яримта ашула*

*эшитиб, суҳбатни кўришса, эртага, албатта, чақиртиришади* (Чўлпон, *Кеча ва кундуз*, б. 37-38).

**Декларативлар.** Қиёсланаётган тилларда шарт гаплар ўзини оқлаш (*ҳимоя қилиш*) декларатив актини юзага келтириши аникланди: *ингл.: Гарри: I wouldn't know what I'd done if I'd been possessed, would I? (J.K. Rowling, Harry Potter and The Deathly Hallows, p. 286); ўзб.: Мирёқуб: Адаб берганим бўлмаса, шундай қилармидим, қалай?* (Чўлпон, *Кеча ва кундуз*, б. 106).

Шуни таъкидлаш керакки, инглиз тилидан фарқли равишда, ўзбек тилида шарт конструкциялар *рози бўлиш, қасам ичиш, ниятини (мақсади) ошкор этиш* (комиссив нутқ акти), *умидини узиш* (ассертив нутқ акти) ва *эълон қилиш* (декларатив нутқ акти) каби иллокутив кучга эга бўлган нутқ актлари вазифасини бажаради.

Тадқиқотнинг «**Инглиз ва ўзбек тилларида шарт гапларнинг имликатура ҳосил қилиш потенциали**» деб номланувчи учинчи бобида шарт муносабатларининг инглиз ва ўзбек тилларида маълум нутқий фаолият жараёнида мулоқот тамойилларини мақсадли бузиш орқали муайян импликатура ҳосил қилиш имконияти таҳлилга тортилади.

Импликатура – нутқда айнан талаффуз қилинмайдиган, ўзгарувчан, яъни муқим бўлмаган, контекстда реаллашадиган, луғавий маънодан ташқари кўшимча маънога ишора қилувчи ифоданинг яширин кўринишидир.

Ироқ тилшунос олимлари Н.М. Al-Hamadi ва В.Ж. Muhammedларнинг эътирофича, импликатуранинг юзага келиш усули сўзловчининг Р. Grice максималарига нисбатан муносабатига кўра, икки хил бўлиши мумкин: *максималарга амал қилиш* ва *уларни бузиш орқали*<sup>9</sup>. Бироқ ҳамкорлик тамойилларининг мақсадли бузилиши орқали импликатура ҳосил қилишда сўзловчи тингловчининг ифодаланган нутқдан кўпроқ тағмаъно, хулоса, инференция ёки дедукция чиқаришини мақсад қилади.

Инглиз ва ўзбек тилларида шарт муносабатини ифодаловчи конструкциялардан сўзловчи маълум мулоқот шароитида ҳамкорлик тамойилининг **миқдор** максимасини мақсадли бузиш орқали конверсацион импликатура ҳосил қилишда фойдаланиши мумкин:

**а) маълум қилинаётган ахборот талаб даражасида бўлмоғи даркор** қоидасининг бузилиши: *ингл.: Теннисон: You came here on the sixteenth of January, is that correct? Мойра: If you say so (L.L. Plante, Prime Suspect, p. 54). Импликатура: Тезроқ сўрогингизни тўхтата қолинг! Мен саволларингизга жавоб беришга иштиёқманд эмасман. Мақсад: Муҳокама, суҳбатдан ўзини олиб қочиш. Прагматик функция: талаб қилиш; ўзб.: Иқром: Ўзим врачман. Врач бўлганим учун хотинимнинг туғишини хоҳламайман. Асар қаҳрамони: Нега ахир? Бир-бирларингизни севсангиз. Муносиб бўлсангиз... (Ў.Ҳошимов, Дунёнинг ишлари, б. 62). Импликатура: Унда муаммо нимада? Нима тўсқинлик қиляпти? Мақсад: Тингловчининг фикрини билиш. Прагматик функция: савол сўраш;*

<sup>9</sup> Hamid M. Al-Hamadi, V. J. Muhammed. Pragmatics: Grice's conversational maxims violations in the responses of some western politicians // Journal of the College of Arts, No. (50), 2009. – P. 1-23.

б) **ортиқча маълумотни беришга ҳаракат қилма** қоидасининг бузилиши: *ингл.: Мануел Гарсия: Why must not a man marry? Маггиор: He cannot marry. He cannot marry. If he is to lose everything, he should not place himself in a position to lose that. He should not place himself in a position to lose. He should find things he cannot lose* (E. Hemingway, *Men without women*, p. 33). **Импликатура:** Уйланиш бу йўқотишидир. Хотин бу сенинг борлигинг. Хотининг ўлса, борлигингни йўқотасан. **Мақсад:** Эмоционал таъсир ўтказиш. **Прагматик функция:** насиҳат қилиш; ўзб.: Асар қаҳрамони: Тузукмисиз, ўзи? Клава хола: Операциядан яхши чиқдим. Пул бермасам бўлмади. Асар қаҳрамони: Кимга? Клава хола: Врачга! **Уч юз сўм бермасам бўлмасди. Операция қилмасди. Қилсаям, ярим йилдан кейин ўладиган қилиб кесарди** (Ў.Ҳошимов, *Дунёнинг ишлари*, б. 94). **Импликатура:** Пул бериб турганингдан миннатдорман. Операциядан яхши чиқдим. **Мақсад:** (врачлардан) шикоят қилиш. **Прагматик функция:** миннатдорчилик билдириш.

Шунингдек, коммуникантлар мулоқот жараёнида шарт формалардан фойдаланар экан, миқдор тамойилини импликатура, яъни тағмаёно ифодалаш учун инглиз тилида *суҳбатдошига эмоционал таъсир ўтказиш* ва *ўз манфаати, қизиқишини муҳокама қилиш* ва ўзбек тилида *ўз ўрни, ҳурмати, обрў ва мақомини сақлаш* мақсадларда бузиши ўзига хос ва тингловчини хурсанд қилиш мақсадида бузиши ўхшаш хусусият сифатида қайд этилиши мумкин.

Инглиз ва ўзбек тилларида сўзловчи шарт конструкциялардан фойдаланиш орқали маълум мулоқот шароитида мулоқотнинг **сифат** ва **мавзуга оидлик** тамойилларини мақсадли бузиш орқали конверсацион импликатура ҳосил қилиши аниқланди:

**Сифат тамойили:** а) ўзинг тўлиқ маълумотга эга бўлмаган ҳодиса ҳақида гапирма қоидасининг бузилиши: *ингл.: Гекльберри Финн: Oh, Tom, they can see in the dark like cats. Том: Maybe if we don't move, they won't notice us* (M. Twain, *The Adventures of Tom Sawyer*, p. 18). **Импликатура:** Биз ҳаракатланмаслигимиз керак. **Мақсад:** Тингловчининг фикрини билиш. **Прагматик функция:** маслаҳат бериш; ўзб.: Харидор: Жудаям осмондан келаверманг-да сиз ҳам. Ҳеч бўлмаса олти юз денг. Сотувчи (чопонли киши): Ўзингиз ҳам жуда зикна одам экансиз-да. Қаранг бунинг қорнида боласи бор. **Худо хоҳласа, айни қиш чилласида болаларнинг оғзи оқариб қолади** (Ў.Ҳошимов, *Дунёнинг ишлари*, б. 140). **Импликатура:** Сиз эчкини сотиб олинг. Албатта, барака топасиз! **Мақсад:** Тингловчини чалғитиш. **Прагматик функция:** шонтириш;

б) **ёлғон ахборотни узатишга ҳаракат қилма** қоидасининг бузилиши: *ингл.: Чарльз: Sorry, sorry. There is no excuse, I know. I'll kill myself afterwards, if you like. Ангус: It doesn't matter. If you hadn't come Tom would have taken your place* (R. Curtis, *Four Weddings and a Funeral*, p. 4). **Импликатура:** Кечикканим учун узр сўрайман. **Мақсад:** Кўнгилсиз ҳолатдан ўзини олиб қочиш. **Прагматик функция:** узр сўраш; ўзб.: Харидор: Чан пул чўча? Сотувчи: Бу жўжамас, хўроз! **Бир тенга одамни йиқитади!** (Ў.Ҳошимов,

Дунёнинг ишлари, б. 132). **Импликатура:** Бу катта ва кучли хўроз. **Мақсад:** Хис-ҳаяжонни ифодалаш (эмоционал таъсир кўрсатиш). **Прагматик функция:** жаҳл қилиш.

**Мавзуга оидлик тамойили:** ингл.: Хиггинс: (буйруқ оҳангида) *Sit down*. Элиза: *Oh, if you're going to make a compliment of it* (G.B. Shaw, *Pygmalion*, p. 21). **Импликатура:** Сиз олийжаноб эмассиз. Сиз илтифотли эмассиз. **Мақсад:** Танқид қилиш ва ўз манфаати, қизиқишини муҳокамага қўйиш. **Прагматик функция:** танқид қилиш; ўзб.: Болакайнинг онаси: Маҳмуд букурнинг уйлари қайси, ўргилай? Семиз хотин: **Букур бўлса, Худо қилган!** Тавба денг (Ў.Ҳошимов, Дунёнинг ишлари, б. 56). **Импликатура:** Бировни букур дейиш ёки камситиш яхши эмас. **Мақсад:** Ўз қадри, ўрни, мақомини сақлаш. **Прагматик функция:** насиҳат қилиш.

